

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Ф-3987-сонли “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Ф-3987-сонли ““Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида”ги Фармойиши ижросини ҳамда Бухоро вилояти маҳаллий давлат ҳокимияти органлари расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш, ҳуқуқий экспериментни ўтказиш доирасида ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида ахборот тақдим қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида кенг оммани хабардор қилиш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларни бевосита давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ йиғилишларида иштирокини таъминлаш мақсадида

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш доирасида қуйидагилар:

-Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонунининг нормаларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш доирасида Бухоро вилоят давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Интернет тармоғидаги веб-сайтига ахборотни жойлаштиришга доир Йўриқнома 1-иловага;

-Ҳуқуқий экспериментни ўтказиш доирасида ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида Бухоро вилоят давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда ахборот тақдим этиш тартибига доир Йўриқнома 2-иловага;

-Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга доир Йўриқнома 3-иловага;

-Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш доирасида Бухоро вилоят давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик йиғилишларида бевосита қатнашишни таъминлаш бўйича Йўриқнома 4-иловага;

-Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни барча кириши мумкин бўлган бинолар ва жойларда жойлаштириш тартиби ҳақида Муваққат низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш доирасида Бухоро вилоят давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши ва бажарилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

3. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вилоят ҳокими в.б.**

**М.Эсанов**